O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 23-oktabr • Payshanba • 128 (27.933) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Заминимизда яшаётган одамларнинг муносиб ва эркин, фаровон ҳаётини таъминлаш, ҳар бир киши ҳуқуқ ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши учун барча зарур шароитларни яратиш — жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш пайтида олдимизга қўяётган ғоят муҳим вазифалардандир».

САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 октябрь куни Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича вазири, «Дубай холдинг» компанияси раиси Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганини таъкидлади.

— Биз жадал ривожланаётган икки томонлама муносабатларни юксак қадрлаймиз, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон делегациясининг жорий йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Ташриф доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш борасида улкан ишлар бажарилмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг Бирлашган Араб Амирликларига сафари натижалари ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Сафар асносида хавфсизлик, сайёҳлик, экология, илм-фан, қимматли қоғозлар бозори соҳаларида, шунингдек, сармоявий, савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорликка доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташриф чоғида Ислом Каримов Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан ҳам учрашиб, Ўзбекистон — Дубай муносабатларига доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилди. Жумладан, ушбу музокарада «Дубай холдинг» компанияси билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийнинг мамлакатимизга жорий йил июнь ойидаги ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси билан «Дубай холдинг» компанияси ўртасида ҳамкорлик ўрнатишга келишиб олинган эди. Унинг бу галги ташрифи асносида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ўзбекистон Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси билан «Дубай холдинг» ўртасида «Ўзэмиратхолдинг» қўшма сармоявий компаниясини тузиш тўғрисида битим имзоланиши билан бу ҳамкорлик амалий тус олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум шафеълигида тузиладиган бу компаниянинг низом жамғармаси 1,25 миллиард АҚШ долларидан иборат бўлиб, унинг 80 фоизи «Дубай холдинг», 20 фоизи Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси томонидан ажратилади. Янги компаниянинг қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашади. «Ўзэмиратхолдинг»нинг асосий мақсадлари мамлакатимизда ва хорижда сармоя соҳасида фаолият кўрсатиш, Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хориж сармояси жалб этишга кўмаклашишдан иборат. Унинг ташкил этилиши иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир улкан самараси бўлди.

2007 йилда Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 93,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизда Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари билан ҳамкорликда етмишдан зиёд қўшма корхона тузилган. Улар озиқ-овқат, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш соҳаларида фаолият юритади.

Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовий самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўламини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича вазири, «Дубай холдинг» компанияси раиси Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ўзбекистон Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси билан «Дубай холдинг» компанияси ўртасида «Ўзэмиратхолдинг» қўшма сармоявий компаниясини тузиш тўғрисидаги битим имзоланди.

(Давоми 2-бетда)

«ТЕЗИНТОМ»НИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

харидорларга манзур бўлмоқда

Хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда пойтахтимизда барпо этилган «Тезинтом» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси ўз фаолиятини 1997 йилда бошлаган.

Корхона илғор технологиялар асосида турли ўлчам ва рангдаги металл черепицалар, алюминий ва пластик эшик-деразалар, шунингдек, панжара, дарвоза, ёритгич мосламалари, гипсокартонлар, девор безаклари каби қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ҳамда хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Корхонада тайёрланаётган юқори сифатли пластик деразалар хонани шовқиндан ҳимоялайди, совуқ кунларда иссиқ, жазирамада эса, аксинча, салқин сақлашга хизмат қилади. Бундай дераза ромларининг яна бир устун жиҳати — уларни бўяшнинг ҳожати йўқ, ранги ҳам ўчмайди.

«Тезинтом»да ишлаб чиқариш қамрови йил сайин кенгайиб, маҳсулотлар турлари кўпайиб бораётир. Сўнгги пайтларда корхонада совун, шампун, тозалаш воситалари тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхона маҳсулотлари юқори сифати, халқаро талабларга мослиги ва рақобатбардошлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулотлар буюртмачининг талаб ва ҳоҳишига кўра исталган ранг ва ҳажмда тайёрланади.

Ҳозирги кунда корхона ташқи бозорда ҳам фаол иш юритмоқда. Қўшма корхона маҳсулотлари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби мамлакатларга экспорт қилинаётир.

Маҳсулотларига талаб катта бўлганлиги туфайли корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. «Тезинтом»нинг 2007 йилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 миллиард сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг январь-август ойларида эса бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21,78 фоиз ошди.

Суратларда: *ишчи Камолиддин Баҳромов; оператор Шаҳноза Икромова тайёр маҳсулот билан.*

А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 28 040 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 55 550 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 28 040 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 55 550 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 33 645 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 22 октябрь

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Италиянинг Ланчиано шаҳрида мусиқа ижрочиларининг Астора Пьяццолли номидаги 10-Халқаро танлови бўлиб ўтди.

Танловда Европанинг 20 та давлатидан ва МДҲ давлатларидан яккахон ижрочи ва ансамбллар қатнашди. Ушбу танловда Ўзбекистон шарафини Тошкент давлат консерваторияси 3-босқич талабаси Виктория Сапарова ҳимоя қилди.

Танлов натижаларига кўра, пуфлаб чалинадиган асбоблар ижрочилари орасида биринчи ўрин (олий мукофот) В. Сапаровага насиб этди. Шунингдек, у энг яхши ижрочи сифатида жамғарма президенти А. Пьяццолли мукофоти соҳибаси бўлди.

Ўзбекистонлик танлов ғолибасини табриклар экан, танлов ҳайъати раиси, бастакор В. Зубицкий, Викториянинг ғалабаси Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ёшлар ижодий фаоллигини оширишга, уларнинг халқаро фестивал ва танловларда иштирокини таъминлашга йўналтирилган сиёсатининг меваси эканлигини таъкидлади.

«Жаҳон» АА. *Рим*

ЭЪТИРОФ

КУРАШ — ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА

Индонезиянинг Бали оролида Осиё Олимпия Кенгашининг кенгайтирилган Конгресси ва Ижроқўм йиғилишда Осиё Олимпия Кенгаши президенти Шайх Аҳмад Ал-Фаҳад ас-Сабах кураш 2009 йили Таиландда яккакураш спорт турлари бўйича ўтадиган Осиё ўйинларидан расмий спорт тури сифатида жой олганлигини эълон қилди.

Осиё Олимпия Кенгаши Президенти, Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзоси Шайх Аҳмад Ал-Фаҳад ас-Сабах Кураш Халқаро ассоциацияси раҳбари Комил Юсупов билан расмий учрашув ўтказди. ООК президенти кураш яккакураш спорт турлари бўйича бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларига расман киритилганлиги билан КХА раҳбариятини, ўзбек халқини қизғин мубораклаб этди.

Шунингдек, мулоқот давомида курашни Олимпия ўйинлари мақомига кўтариш, унинг дунёдаги оммавийлигини янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

(Ўз мухбиримиз).

ФУТБОЛ

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА: Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлари лигаси ярим финал жавоб учрашувлари ўтказилди. Унда Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси Австралиянинг «Аделаида Юнайтед» футболчиларига қарши майдонга тушиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Аммо икки учрашув натижасига кўра, 3:1 ҳисобида зафар қўлга «яшил қитъа» вакиллари мусобақа финалига йўлланма олишди.

Ярим финалнинг иккинчи учрашувида Японияниг «Гамба Осака» — «Урава Реддс» жамоалари ўзаро учрашди — 3:1(биринчи ўйин — 1:1). Энди финалда «Аделаида Юнайтед» — «Гамба Осака» жамоалари куч синашади.

✓ Фракция фаолияти

ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ҲУЖЖАТ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлаб мамлакатимиз Президентининг кеча матбуотда эълон қилинган «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган фракция аъзоларининг вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда депутат Улуғбек Вафоев маъруза қилди.

— Бугун бутун дунёда сув, озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги ва нархларининг ўсиб бораётгани кузатилаётган бир шароитда ушбу Фармоннинг чиқарилгани ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, — деди у. — Мазкур ҳужжат аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини янада тўлиқроқ қондириш, қишлоқ аҳолиси даромадлари, турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади. Фармоннинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга тушунтириш, унинг бажарилиши устидан Ўзбекистон ХДП ташкилотлари маҳаллий депутатлар билан бирга, жамоатчилик назорати, мониторинг олиб боришга бевосита биз — депутатлар масъулмиз. Чунки ушбу Фармон аҳоли, хусусан партиямиз электорати турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи ҳужжатдир.

Фракция, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Амнистия актини қўллаш тартибини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Собир Жабборов маъруза қилди.

2-бет >

ЎзХДП: *воқеалар, хабарлар, янгиликлар*

Китоб туман партия кенгаши Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган куни муносабати билан қатор оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказмоқда. Шулардан бири туман марказий шифохонаси бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтди. Унда туман партия кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият-тарғибот маркази вакиллари иштирок этдилар. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ёрқин келажагининг мустаҳкам пойдевори қурилгани, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг мавқеи ортиб бораётгани, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўла таъминланаётгани хусусида сўз юритилди. Маънавият-тарғибот маркази раҳбари Ё.Туропов кишиларда сиёсий маданият, ҳуқуқий саводхонлик, фуқаролик масъулиятини шакллантириш ҳақида тўхталди. Бу каби ишларда Ўзбекистон ХДП фаоллари, аъзолари, ташкилотларининг иштирокини кучайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон ХДП Янгиариқ туман кенгаши партиямиз ташкил топган куни муносабати билан аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш чора-тадбирларини кўрмоқда.

2-бет >

«Ўзбекистон овози» мухбирлари хабар қиладилар

ДАРЁ УЗРА ЯНГИ КЎПРИК

Хоразмда узунлиги бир километрдан зиёд, эни йигирма тўрт метр — олти қаторли автомобиль ҳаракатига мос кўприк қурилиши бошланди. У вилоят маркази Урганч шаҳрига яқин Чолиш манзилгоҳи ва Қорақалпоғистоннинг Беруний шаҳри яқинида бунёд этилмоқда.

Бу ерда ҳозир 14- ва 67-кўприк қурилиш отрядлари ҳамда «Хоразмтранс» пудратчи ташкилотининг 300 нафардан зиёд кўприксозлари меҳнат қилишмоқда. Иншоот 2010 йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Рўзимбой ҲАСАН

КЎЧАЛАР ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

— дейди Нукус шаҳар ободонлаштириш бошқармаси раиси Кенгесбой Бекмуродов — Кеча шаҳримизга лизинг йўли билан 9 та «ISUZI» маркали чиқиндиларни ташийдиган махсус автомашиналар келтирдик. Илгари зўрға юриб турган эски русумдаги транспорт воситалари талабга жавоб бермас эди. Энди ҳар бир маҳалла йиғинлари ва турар жой эгалари билан ўртамиздаги келишувга биноан бемалол сифатли хизмат кўрсатамиз...

Бошқарма йил охирига бориб, яна шундай 10 та автомашина олишни мўлжаллаб турибди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

ИШ ЎРНИ ЭЛЛИКТАГА КЎПАЯДИ

Бухоро туманидаги «Работиқалмоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Бухоро Баҳор» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси импорт ўрнини босувчи «Оҳори» деб номланган кир ювиш воситаси (кукун)ни ишлаб чиқариш билан ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда ҳозир ҳар куни 20 тоннагача қадоқланган маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона лойиҳа қувватига тўла эришгач, ишлаб чиқариш ҳажми ҳозиргидан беш бараварга ортиб, янги иш ўринлари ҳам элликтага кўпаяди.

Даврон БАҲРОНОВ

БУГУНГИ СОНДА:

• ФАОЛЛИК ВА ЖОНКУЯРЛИК
бугуннинг энг муҳим вазифасидир, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Муҳаммаджон Мамажонов. 2

• «БРИТАНИЯГА ЎЗГАРИШЛАР ЗАРУР!»
Қиролликда бош вазир ўзгармади, аммо вазият... 3

• АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ХОРИЖДА ЎҚИЁТГАН ТЕНГДОШ!
4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

✓ Сўз — ЎзХДП депутатларига

ФАОЛЛИК ВА ЖОНКУЯРЛИК

бугуннинг энг муҳим вазифасидир, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Муҳаммаджон Мамажонов.

— 23-Ёзёвон сайлов округидан халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутатлигига кўрсатилган барча номзодлар орасидан сайловчиларнинг кўпчилиги айнан Халқ демократик партияси вакили — сизни қўллаб-қувватлаб овоз берган. Мана, орадан тўрт йилга яқин вақт ўтди. Сайловчилар ишончини оқлаяпман, дея оласизми?

— Аслида, бу савол сайловчиларга берилса, тўғри бўларди. Чунки, холис баҳони улар беришади. Мен депутатлик ваколатидан самарали фойдаланиб, ЎзХДП Дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётда амалга оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қиляпман. Масалан, Йўлдошобод, Навбаҳор қишлоқларида табиий газ йўқ эди. 9,5 км. газ қувурлари тортилди. Пинаж қишлоғидаги 400 хонадонга ҳам «зангори олов» етиб борди. Зикриё Ганиев номли, Қатортол қишлоқ фуқаролар йиғинидаги газ таъминоти яхшиланди. Шу қишлоқларга 5 км. масофадан ичимлик суви қувурлари тортилди. Бу ишлар амалга ошгунча, яъни унга тегишли маблағ, моддий ресурс, мутахассис ва ишчи гуруҳлари ажратилгунча вилоят идоралари остонасидан бери келмадим...

Депутат вилоят Кенгаши сессиялари, доимий комиссиялар йиғилишларида иштирок этиш билан бирга, сайловчисининг ҳаёти, муаммоларини ҳис қилиб яшаши керак. Унинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг амалий жиҳатлари билан ҳам узлуксиз шуғулланиши лозим. Шу сабабли мурожаат қилган сайловчиларга қўлимдан келганча амалий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиламан.

— Маълумки, халқ депутатлари вилоят Кенгашида Халқ демократик партиясининг депутатлик гуруҳи тузилган. Сиз аъзо бўлган ана шу гуруҳ фаолияти ҳақида қандай фикрдасиз?

— Мен депутатлик гуруҳимиз ишиларидан тўла қониқяпмиз, деб айта олмайман. Биз ҳалигача сайловчилар манфаати ҳамда партия Дастуридан келиб чиққан ҳолда, ишчи гуруҳи тузиб, бирон-бир муаммо юзасидан етарли мониторинг ўтказиб, унинг натижалари асосида вилоят Кенгаши сессиясига муҳокама учун масала қўймадик. Гуруҳ номидан расман депутатлик сўровлари киритмадик, вилоят миқёсидаги раҳбарлардан ваколатимиз доирасида ҳисобот беришни талаб қилмадик. Ҳолбуки, қонунчиликда депутатлик гуруҳларининг бундай ҳуқуқлари кафолатланган. Нега шундай бўлмоқда? Бунинг биринчи сабаби, ўзимизда ташаббус етишмайди.

— Сиз ўзингиз депутат сифатида вилоят Кенгашида нималар қила олдингиз? Қандай таклиф ва ташаббуслар билан чиқдингиз?

— Ўзим аъзоси бўлган Бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорлик масалалари доимий комиссиясида менинг таклифим билан «Мактабгача таълим муассасаларида озиқ-овқат таъминотининг аҳволи» алоҳида ўрганиб чиқилди ҳамда доимий комиссиянинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилди. Вилоят, шаҳар ва туманлар халқ таълими тизими раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Таҳлилий-танқидий фикрлар билдирилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди, тегишли қарор қабул қилинди.

Ёзёвон туманидаги ёш оилалар, умуман ёшларга кредит ажратилиши ғоят қониқарсиз аҳволда эди. Вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида Марказий банк вилоят бошқармаси раҳбари эътиборини шу масалага қаратдик. Шундан сўнг вилоятда фаолият кўрсатаётган акциядорлик тижорат банклари бошқарувчилари туманда ёшлар билан юзма-юз мулоқот ўтказдилар. Натижада бешта ёш оиланинг ҳар бирига 10 миллион сўмдан, яна ўндан зиёд ёшларга имтиёзли кредитлар ажратилди.

— Нафақат электорат, балки жамоатчилик ўртасида ҲДПнинг обрўсини ошириш, тарафдорларини кўпайтириш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз. Сизнингча, бугун партиянинг эътиборидан четда қолаётган, аммо амалга ошириш шарт бўлган қандай вазифалар бор?

— Партия халқ орасига чуқурроқ ва кенгроқ кириб бориши лозим. Чуқурроқ деганда мен ҲДП Дастурида назарда тутилган масалаларни ҳаётда амалга оширишни тушунаман. Хўш, Дастуримизда белгиланган мақсадларга тўлиқ эришиляптимми? Қонунлар, қарорлар қабул қилиниши ва мамлакатда ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида дастурий мақсадларимизни уларга қай даражада сингдира олаяпмиз? Саъй-ҳаракатларимиздан халқнинг хабардорлик даражаси қандай? Менимча, аввало биз ана шу саволларга жавоб топишимиз керак.

Партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар, депутатлар, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотининг электоратимиз ва кенг жамоатчилик билан бевосита олиб борадиган ишларини кучайтириш, сифати, самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Партиямиз электорати вакилларининг ўй-фикрлари, уларни бугун нималар кўпроқ ташвишга солаётганидан доим хабардор бўлиб турсак, икки томонлама мулоқотларни янада кучайтирсак, биринчидан, сафдошларимизнинг партияга ҳурмати ва ишончи ортади, иккинчидан, бу воқеани кузатганларда айнан шу партияга қизиқиш, унинг сафига кириш истаги пайдо бўлади.

Жойларда уюштирилаётган партия сиёсий ўқувлари, семинарларда фақат партия аъзолари иштироки таъминланаяпти. Бундай тадбирларга бошқаларни ҳам таклиф этсак, партиянинг мақсад ва ниятларини кенгроқ тарғиб қилган бўлардик.

Нега энди партия ташкилотлари, фаоллари, сайланма органлари аъзолари, депутатлар маҳалла, ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналари, умуман электоратимиз истиқомат қилаётган жойларга меҳнат қилаётган жамоаларга кам борамиз? Улар эришган ютуқларни қўллаб-қувватлаб, муаммоларини тинглайдиган, ўрганадиган ҳамда мавжуд имкониятларимиз орқали уни ҳал қилишга хизмат қиладиган кўчма Жамоатчилик қабулхоналарини ҳам ташкил этиш фурсати етди, назаримда.

Мақсадимиз — Дастуримизда белгиланганидек, мамлакатимиздаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини янада ошириш экан, партия ташкилотлари, аъзолари фаоллигини кучайтириш — жонкуярлик бугуннинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.

Суҳбатдош: Муҳаммаджон ОБИДОВ

Муҳаммаджон Мамажоновни Ёзёвонда танимайдиган одам йўқ, десак, муболаға бўлмайди. У 1981 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги инженерлари (ҳозирги ирригация ва мелиорация) институтини тугатиб, қадрдон қишлоғида оддий муҳандисликдан иш бошлади. Иқтидори, ташаббускорлиги, одамохунлиги туфайли тезда эътиборга тушди. Табиатан тўғрисўз ва ҳар бир гапни ўрнида, одамнинг юзига айта оладиган журъатли бу кишини Ёзёвон аҳлининг каттаданкичиги «ўзимизнинг депутат» деб фахрланишади. М.Мамажонов айни чоғда туман МТП акциядорлик жамияти бошқаруви раисидир.

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум шафеълигида тузиладиган ушбу компания юртимизда ва хорижда сармоя соҳасида фаолият юритади, мамлакатимизга тўғридан-тўғри чет эл сармоясини жалб этишга кўмаклашади. «Ўзэмиратхолдинг»нинг низом жамғармаси 1,25 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиб, саксон фоизи «Дубай холдинг», йигирма фоизи эса Ўзбекистон Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси томонидан ажратилади. Янги компаниянинг бош қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашади.

Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги муносабатлар кўплаб соҳаларда жадал тараққий этмоқда. Мамлакатимизда Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари иштирокида етмишдан зиёд қўшма корхона тузилган. Ушбу мамлакатнинг йигирмадан ортиқ компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, озиқ-овқат, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2006 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси фаолияти иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва техник қайта таъмирлаш каби лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган. Ҳозирги кунда мазкур жамғарма нефть-газ, кимё, электр-энергетика каби соҳаларда сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, у кўплаб хорижий молиявий муассасалар билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётир.

«Дубай холдинг» Бирлашган Араб Амирликларидаги энг йирик компаниялардандир. Ушбу холдинг юқори технологиялар, телекоммуникациялар, энергетика, саноат, кўчмас мулк, молия ва сайёҳлик каби соҳаларда иш юритувчи етти йирик компанияни ўз ичига олган.

(ЎзА)

✓ *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги олдидан*

Маълумки, истиқлолнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоялаш ва унинг манфаатларини рўёбга чиқаришдан иборат эканлиги белгилаб олинди. Бу борада Президентимизнинг «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун хизмат қилиши керак» деган фикри дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айтиш жоизки, тараққиётимизнинг ўтган 17 йили давомида инсон ҳуқуқларига оид муҳим ҳужжатлар қабул қилинди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари шаклланди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИ

юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ҳисобланади

Хусусан, тоталитар тузумдан мерос суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ қилиниши орқали инсон манфаатларини ҳимоялаш йўлида қатор ишлар амалга оширилди. Судларнинг ихтисослашуви асосида фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Президентимиз таъбири билан айтганда, судлар жазоловчи органдан инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айланди.

Ўлим жазосининг жиноий тизимдан олиб ташланиши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши республикамиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Маълумки, 2005 йил 1 августда Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» Фармон қабул қилинган эди. Фармонга биноан жиноий жазонинг ушбу чораси 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан тамоман бекор этилди. Бу инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро ҳужжатлар ва Конституциямиз меъёрларига тўла мос эди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида «Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир» дейилади. 1976 йилдан кучга кирган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда эса яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи эканлиги, ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмаслиги белгиланган.

Юқоридаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз аксини топган: «Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» (13-модда), «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» (24-модда).

Эндиликда жиноят қонунининг инсонпарварлик тамойилига кўра, ўлим жазоси ўрнига умрбод озодликдан маҳрум этиш ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Таъкидлаш керакки, Жиноят кодексида жазо тизимидаги умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда: қасддан одам ўлдириш (97-модда, 2-қисм) ва терроризм (155-модда, 3-қисм) учунгина тайинланиши назарда тутилган. Айрим ривожланган давлатларда ушбу жазо тури юқорида кўрсатилган оғир жиноятлардан ташқари, агрессия, геноцид, давлат хавфсизлигига қарши жиноят, жосуслик, исён, зўрлаш, мулкни ёқиб юбориш, талончилик ва ҳоказо каби жиноятларни содир этганларга нисбатан ҳам қўлланиши миллий қонунчилигимиз билан қиёсланса, қонунларимизнинг инсонпарварлик тамойили янада яққолроқ намоён бўлади.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи ҳамда мантиқий давоми эканлигини алоҳида қайд этмоғимиз зарур.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 7-моддасига биноан барча қонун олдида тенгдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига кўра, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлидирлар. Бундан кўриниб турибдики, инсонларнинг қонун олдида тенглиги принципи умумэътироф қилинган мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатда ўз аксини топган. Айни вақтда ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатдаги инсонпарварлик тамойиллари Бош қомусимизда қатъий белгилаб қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган меъёрлар миллий қонунчилигимиз руҳига сингдирилган ҳамда мамлакатимизда инсон ва унинг ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Инобат ОЙДИН, Озод БЕГМАТОВ
Тошкент давлат юридик институти талабалари

ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ҲУЖЖАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати 2008 йил 28 августда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарорини қўллаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаган эди. Мазкур низом ишни судга қадар юритиш ва жиноий жазоларни ижро этиш босқичларида амнистия актини суд томонидан қўллашни тартибга солади. Юқоридаги лойиҳа ушбу қоидаларни процессуал мақомга келтириш мақсадида амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бир қанча моддаларига, суд, прокурор, терговчининг ваколатлари, айбланувчи, гумон қилинувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларига дахлдор нормаларга, бир қанча процессуал тартиб-қоидаларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар, янги боб, 536[1]-модда киритилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 166-моддаси тегишли асос бўлган тақдирда, жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани судга киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориш лозимлигини қайд қилувчи иккинчи қисм билан тўлдирилаяпти. Бундан ташқари, ЖПК ҳамда «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг нормалари тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар билан мувофиқлаштирилмоқда.

Фракция йиғилишида шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Лойиҳа юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Анатолий Козлов сўзга чиқди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ.

Тошкент фармацевтика институти қошидаги академик лицей 2007 йилда ташкил этилган. 2008-2009 ўқув йилидан иш бошлаган лицей замонавий бино, жиҳозланган лабораториялар, ахборот-ресурс маркази, спорт заллари ва майдонлари билан таъминланган. Унда ҳозирча икки йўналиш (аниқ фанлар ва табиий фанлар) бўйича ўқувчиларга чуқур билим берилади. Лицейда 41 нафар ўқитувчи (улардан 7 нафари фан номзоди) таълим-тарбия беради, ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, тўгараклар фаолият кўрсатади.

Суратда: *лицей талабаларидан бир гуруҳи.*

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

✓ Маҳалла — аҳиллик қўрғони

ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ

эзгулик, меҳр-оқибат орқали топилади

— Маҳалланинг обрўси нимада? Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, — дея мени саволга тутади суҳбатдошим, партиямиз фаоли Башорат Шамсиева. Бироз ўйланиб туриб, яна гапида давом этади. — Маҳалла-кўйнинг нуфузи, аввало, одамлар қалбига йўл топишдадир. Уларнинг дардини эшитиб, қалбига малҳам бўлмасангиз, ҳеч қачон обрў-эътибор топмайсиз.

Жомбой туманидаги Катта қишлоқ маҳалласи фаолияти билан яқиндан танишар эканман, юқоридаги эътирофнинг исботини кўра бошлайман. Мўъжазгина бинога умид билан келганлар турли масалаларга шу ернинг ўзида аниқ жавоб олади. Маҳалла оқсоқоли Аъзам Бердирасулов, котиба Башорат Шамсиевалар ҳар бир фуқаронинг мурожаатини диққат билан тинглайди, мулоҳаза қилади ва муаммо ўз ечимини топади. Бу эса маҳаллада истиқомат қилаётган 5200 нафар фуқаронинг уларга бўлган ишончини ошираяпти.

Шоира Қораева ҳамда Дилфуза Қаршиева бир хонада истиқомат қилишарди. Ўзлари ногирон бўлишгани сабабли уй қуриб олишга қурблари етмасди. Маҳалла қўмитасига мурожаат этишиб, иморат қуришда ёрдам беришларини сўрашди. Маҳалла қўмитасининг ташаббуси билан қишлоқдошлар иштирокида ҳашар уюштирилди. Катта-кичик бирлашиб, хайрли ишга бош қўшишди. Қисқа муддат ичида уй тикланди, энди эса таъмирлаш ишлари амалга оширилаяпти.

— Халқимизнинг хўп ажойиб удумлари бор-да, — дейди маҳалла оқсоқоли А.Бердирасулов. — Ҳашар бўлса, одамларимиз бир жону бир тан бўлиб уюшади, ҳеч ким қараб ўтирмайди. Чин дилдан кўмаклашади.

Маҳалла ҳудудида 7 та умумтаълим мактаби, 1 та янги саноат коллежи фаолият кўрсатаётир. «Амин-инвест» қўшма корхонаси (туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда очилган) ҳам айнан шу маҳаллада жойлашганлиги ишсизлик муаммосини ҳал этишда қўл келмоқда. Кейинги йилларда маҳаллада бирорта жиноятчилик қайд этилмаган. Чунки шу ҳудудда фаолият кўрсатаётган 2-сонли марказлашган милиция таянч пункти ходимлари ҳамиша одамлар билан ҳамфикр, ҳамдард.

— Ҳар бир кунимиз мазмунли, файзли ўтади, — дейди ЎзХДП аъзоси, маҳалла оқсоқоли Аъзам Бердирасулов фахр билан. — Чунки маҳалламиз аҳли бир-бирига меҳр-оқибатли.

Мамадали ЖАЛИЛОВ, Самарқанд вилояти.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айниқса, пахта йиғим-терими даврида партия фаоллари теримчилар ва ҳашарчилар билан учрашиб, суҳбат ва мулоқотларда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Хоразм вилоятида бўлган чоғида билдирган фикр ва маслаҳатлари мазмун-моҳиятини тушунтирмоқдалар. Туман кенгаши тарғибот гуруҳи аъзолари, ХДПдан сайланган депутатлар, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари вакиллари бу тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон ХДП Ғузор туман кенгаши томонидан «Мустақиллик ва аёл» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Иштирокчилар жамиятда, фарзандлар камолоти, маънавий етук авлод бўлиб шаклланишида аёлларнинг ўрни, бу жараёнда ЎзХДП «Фаол аёллар» қанотининг иштироки масалаларини муҳокама этишди. Фаол, шижоатли аёлларни қанот сафига кўпроқ жалб этиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ишларини жонлантириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон ХДП Хонқа туман кенгаши ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 19 йиллиги муносабати билан таълим муассасаларида давра суҳбатлари ташкил этди. «Тил — миллат қалби, жону дили, ифтихори» мавзуидаги тадбирларда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритилди.

— Тил — миллат бойлиги. Бугунги ёшлар ўз она тили билан бирга, хорижий тилларни ҳам ўрганмоқдалар. Юртимизда нафақат давлат тилига, балки шу заминни ўзига Ватан деб билган ҳар бир миллат ва элат тилига эътибор катта, — дейди 35-мактаб ўқитувчиси, партиямиз фаоли Саломат Зарипова.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

✓ Мулоҳаза учун мавзу

ПОРА ТАРИҚАСИДА КАРТОЧКАМИ?

Абонентларга қулайлик туғдириш учун уяли алоқа компаниялари уч мингдан тортиб, йигирма беш минг сўмгача бўлган карточкаларни доимий савдога қўйган. Имконингиз етганини харид қилинг ва қўл телефонингизга ўтказиб, истаганча гаплашинг. Лекин бу қулайликдан бошқача мазмунда фойдаланаётган айрим кишилар ҳам бор.

Беш йил муқаддам қизиқ ҳолатга дуч келгандик. Солиқ идораси бошлиғининг қўл телефонига қурилиш ташкилоти ҳисоб рақамидан йигирма минг сўм ўтказилган. Аммо ушбу ҳолат бўйича текшириш ўтказган прокуратура ходими, табиийки, бундан ҳеч бир қонунбузилишни топа олмайди. Яъниким, қурилиш ташкилоти ўз ҳисоб рақамидан ҳақиқатан ҳам уяли телефонга пул ўтказган, лекин бу уяли телефон эгаси ҳеч қаерда ишламайдиган уй бекаси бўлиб чиқади. У эса солиқ идораси бошлиғининг турмуш ўртоғи. Раҳбар хотини номига расмийлаштирилган қўл телефонидан фойдаланиб келган. Телефон солиқ идораси бошлиғи номида бўлмагани учун унга нисбатан таъмагирлик ёки хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби қонунбузарликни қўллаб бўлмаган...

Яқинда туманлардан бирида фаолият юритаётган идора бошлиғи дардини тўкиб солди: «Бизлар вилоятдаги ташкилотга бўйсунамиз. Бошлиғимиз ҳар ойда уяли телефонига йигирма беш минг сўмлик карточка олиб беришимизни талаб қилади. Мана, шунга бир йилдан ошди, бундай «совға» қилишга кўникиб ҳам кетдик».

Тўғриси, ана шундай гапсўзларни кўп марта эшитяпмиз. Ўйланиб қоласан киши: уяли телефон карточкаси шу усул билан пора воситасига айлантирилмаяптимикан?!

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллигига

ЧАМАН ИЧИНДАГИ АЖИБ ЧАМАН

Ўтган XX аср бошларида кўҳна Қизилқум кенгликларида ёхуд асрий Маликчўл даштида шаҳар барпо бўлармиш дейишнинг ўзи афсонадек бўлиб туюларди. Бироқ, тарихга айланган ана шу асрнинг эллигинчи йиллари охирига келиб, бу афсона ҳақиқатга айланди. Машҳур лойиҳачилар бу ерда ажиб бир замонавий шаҳарсозликка асос солишди. Бу даҳо шоиримиз Мир Алишер Навоий орзу этган «чаман ичиндаги ажиб чаман» — Навоий шаҳри эди. У 1958 йилнинг сентябрь ойида шаҳар сифатида қайд этилди. Мана, бугун шунга роппа-роса 50 йил тўлди.

Ярим аср ичида шаҳар наинки вилоятда, балки мамлакатда ўзининг ноёб қурилиш мажмуалари, йирик саноат корхоналари ва иқтисодий салоҳияти билан довруғ таратди. Кўркам кўпқаватли биноолар, ижтимоий, маданий-маиший ва маъмурий иншоотлар, кенг, равон йўллар, истироҳат боғлари...

Шоир номи билан аталувчи Алишер Навоий боғи ва унда буюк мутафаккирга ўрнатилган ҳайкалнинг очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов **«Бу бунёдкорлик шоирларнинг шоири Алишер Навоийга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромимиздир»,** дея юксак таъриф берган эди.

Шаҳарда илгари бор-йўғи 30 минг аҳоли яшаган бўлса, ҳозир ундаги 12 та микро ҳудудда юз миллату элатга мансуб 130 мингга яқин киши истиқомат қилаяпти. Деярли саноатчи, нурчи ва кимёгарлардан иборат бу аҳоли 17 та у ёки бу мавзе, 30 дан зиёд маҳаллалар атрофида бирлашганлар.

— Ўтмишдаги ҳудуд билан бугунги Навоий шаҳрини таққослаш жуда қийин, — дейди шаҳар ҳокими, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Бахтиёр Ҳамдамов. — У истиқлол, ҳуррият эпкинлари билан қайта кўз очди. Ноёб салоҳияти билан жаҳонга танилди. «Қизилқумцемент», «Электрокимё», машинасозлик заводлари, «Азот» ишлаб чиқариш корхоналари, иссиқлик электрстанцияси мамлакатимиз иқтисодиёти манбаларига айланди...

Шаҳар кўчалари ва хиёбонларини кезар экансиз, нафақат 50 йиллик тўйга чорловчи шиор ҳамда кўргазмалар, балки киши кўзини қамаштирувчи ранг-баранг гулзорлар, турфа андозадаги фавворалар ҳам беихтиёр диққатингизни тортади. Навоий аэропорти дейсизми, янги коллеж ва умумтаълим мактаблари дейсизми, қўйинки, шаҳардаги Педагогика ҳамда Кончилик институтлари, «Фарҳод», «Ширин» маданият саройлари — ҳаммаси байрам либосида.

Эллик ёшли шаҳар шу кунларда ўз байрамига катта ҳозирлик кўрмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Банк ва мижоз

«САРМОЯНГИЗ БОРМИ,

энди уни мақсад билан ишлатинг!»

«Сармоянгиз борми, йўқса, банкдан кредит олинг!», «Қарзни ҳаммага ҳам беравермайдилар-ку!». Очиғи, бундай гаплар тез-тез қулоғимизга чалиниб туради. Ўрганиб ҳам қолдик. Мен бунда бугунги кунлар силсиласи, янгилик-яратиш иштиёқини кўраман. Чунки давр одамларда тадбиркорликка тенги йўқ майл уйғотди. Турмушдан нолимай, ўз дўкони, кичик корхонаси, бизнесига эга бўлаётганларнинг санаб адоғига етиш қийин. Бироқ, банклар сармояни шундоқ қўлга тутқазиб қўймаслиги, «Кредитни нимага ишлатдингиз, аниқ бизнес-режангиз борми, қайтаришга кафолат-чи?» деган саволларни ўртага қўйиши ҳам рост. Гапнинг сираси, мақсадсиз ишлатилган, банклар елкасида тегирмон тошидек осилиб турган кредит, қарзни узолмай, ўзини у ён-бу ёнга ташлашга уринаётган айрим мижозлар борлигидан ҳам кўз юммаслик керак.

Китоб туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими раҳбари Йўлдош Ҳамроев бу ҳақда гап кетса, «Банклар қўлидан иш келадиган мижозлар билан ҳамкор бўлиши, наф келтирадиган лойиҳаларга пул ажратиши керак», дейди. Ҳисобкитобда суяги қотган суҳбатдошим яна «Микрокредитбанк» Китоб туман бўлимига ҳамкор мижозлар сармояни қай мақсадга ишлатаётгани билан жойларга бориб танишиш ҳақида маслаҳат ҳам берди. Бу анча қизиқ ва фойдали таклиф эди. Банк раҳбарияти билан келишиб, турли йўналишда кредит олган мижозларнинг анчасининг манзилини аниқлаб олдим. Бу ишга қизиқаётганимнинг бошқа сабаби ҳам бор эди. Негаки, Китоб туманини иқлими, табиий қулайлиги мева-сабзавот, узум етиштириш борасида воҳада етакчи ўринга олиб чиққан бўлса-да, қайта ишлаш корхоналари етишмайди. Чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ҳам етарли даражада эмас. Умуман, туман иқтисодиётида ўрта ва кичик бизнес салмоғини 55-60 фоизга олиб чиқмаса, изчил ривожланишни таъминлаш қийин. Бу ўз навбатида аҳоли даромади ошиши, яхши яшашига хизмат қилиши керак. Хуллас, ишни энг оддий ёш оиланинг орзуси қандай ушалганидан бошладим. Шундай қилиб, биринчи танишим ҳокимиятда иқтисодиётчи бўлиб ишлаётган, соҳибкорлиги билан ном чиқарган Гулгунпуш қишлоғида яшаётган Сарваржон Қаюмов бўлди.

— Бугунги ёш оилаларнинг хоҳиш-интилиши замонга яраша, — дейди Сарваржон. — Келинингиз билан «Микрокредитбанк»дан 2,5 миллион сўм кредитни уч йил муддатга, 13 фоиз устама билан қайтаришга келишиб олдик. Рўзғоримизга етишмаётган энг зарур ашёларни — 580 минг сўмга музлатгич, 265 минг сўмга телевизор, 275 минг сўмга электр билан ишлайдиган печ, 80 минг сўмга ошхона мебели сотиб олдик. Пулнинг барчасини керакли буюмларга сарфладик.

— ***Қайтариш-чи? Қийин бўлмайдими?***

— Умр йўлдошим Роҳилахон ҳамшира бўлиб ишлайди. Менинг маошим бор. Қолаверса, бизнинг қишлоқда бир парча томорқа ери ҳам бўш турмайди: кимдир карам, бошқаси сабзи, шолғом етиштиради. Яна мол-ҳол, дегандай. Кредитни пешма-пеш узиб бораяпмиз. Аммо бу сармоясиз хонадонимиз, турмушимиз учун асқотадиган шунча буюмларни сотиб ололмасдик. Биздан ўрнак олиб, бошқа ёш оилалар ҳам истеъмол кредити олишга чоғланиб қолишган.

Рости, ёш оиланинг қувончи менга ҳам юқди. Бизнинг ёшлигимизда бундай имкониятлар йўқ эди. Болаларнинг ўқиши, уй-жой ташвиши билан умрни ўтказдик, дурустроқ мебель ҳам сотиб ололмадик. Ҳай, майли, бугунги ёшларнинг имкониятлари ошаверсин, турмушлари бундан-да файзли бўлаверсин! Хушнуд эдим, кўп ўтмай қадимги Макрид даштига, улкан каналдан сув ичаётган далаларга етиб келибман. Тоғ адирларига туташиб кетган собиқ «Зарафшон» ширкат хўжалиги ҳудудида кўп аҳоли истиқомат қилади, суғориладиган майдонлар чекланган. Лалми буғдой ва чорвачиликка ихтисослашган хўжалик узоқ йиллар давомида қаддини кўтаролмади. Ҳозир барча ташвишлар фермерларнинг зиммасида. Илгари қурилган сутни қайта ишлаш кичик корхонаси ҳозир ишлаб турибди. Тадбиркор Қаҳрамон Эргашев Макрид қишлоғида бўш турган бинони таъмирлаб, пишлоқ тайёрлайдиган цех очибди. Танишдик. Анча киши ишли бўлибди, маҳсулот сифати яхши, харидор кўп экан. «Банкдан 6 миллион сўм қарз олдик, савдо дўконимиздан олган фойдани ишлатдик, ускуна сотиб олдик. Цехни яна кенгайтирамиз», дейди Қаҳрамон орзуларини баён этиб.

Макрид даштини кесиб ўтган катта тош йўлнинг икки чеккасида бундан ўттиз-ўттиз беш йил бурун экилган чинорлар қатор тизилган. Йўлнинг ўнг томонидаги девор билан ўралган катта иморатга кўзим тушди. Канал устидаги кўприкдан ўтиб, йўл ёқасига чиқаётган кишини ҳам танидим. Отамурод Умрзоқов — бир мактабда ўқиганмиз. Кетмон чопган, трактор ҳайдаган, бригадир бўлган, бир неча йил хўжаликка раислик қилган. Ҳозир машина-трактор паркининг раҳбари. Биринчилардан бўлиб, фермер хўжалиги тузди. Банкдан қарз кўтариб, даштнинг қоқ ўртасида помидорни қайта ишлайдиган корхона қурди.

— Камида 10 минг тонна помидорни қайта ишлай олади бу кичик корхонамиз, — дейди Отамурод қувончини яширмай. — Сув бўлса, ҳосил яхши битса, бас. Лекин фермер ўғлим энди «Шарбат қуядиган кичик корхона ҳам қурсак», деб ҳол-жонимга қўймаяпти. Ҳисоби «Микрокредитбанк»да очилган. Мақтамайман, ўзим танишиб кўрдим, истиқболли лойиҳа учун маблағларини аяймайди. Мана, қаранг, Болқонқайчили, Жилисув, Макрид ва бошқа қишлоқларда озмунча кучи танига сиғмаган йигит-қизлар борми? Ана шу ёшларга иш топиб берайлик, эгнига эн бўлсин, қозони доим қайнаб турсин, дейман-да...

Туман марказидан анча узоқ бу қишлоқларда бирин-кетин кичик корхоналар пайдо бўлаётгани, тадбиркорларнинг ғайратга минганидан хурсанд бўлдим.

АТ «Микрокредитбанк»нинг Китоб туман бўлимининг янги биноси қадимий қўрғон деворларига тақаб қурилган. Илгари ижарада туришарди. Бўлим раҳбарлигига ёш, серғайрат Актамжон Олтиев келиши билан жамоани жипслаштириш, сармоялар самарадорлигини оширишга эътибор кучайди. Қурилиши тугалланмай қолган бинони сотиб олишди. Янги лойиҳа асосида, фойда ҳисобидан ажойиб иморат тикланди.

Дарҳақиқат, ишчан ва ўз соҳасини яхши билган ходимлар меҳнат қилишаяпти банкда. Бош мутахассис Фарҳод Самадов, бош ҳисобчи Анвар Раббонаев, кредит бўлими бошлиғи Хайриддин Суюновлар ҳисобот ва маълумотномаларни пишиқ-пухта тузишади. Банкнинг ҳозирги кундаги 1850 га яқин мижозлари фермерлар, хусусий тадбиркорлар, йирик дўкон эгалари. Масалан, 120 савдо фирмаси билан ҳамкорликда бир ойда камида 550-600 миллион сўм маблағ айланаяпти. 100 миллион сўмдан ошиқ аҳоли омонат маблағлари ҳам жалб қилинган. Банк акцияларини сотиш ҳам яхши йўлга қўйилибди. Натижада банк фойда олиб ишлаяпти. Мижозларга 1,5 миллиард сўмга яқин кредит берилибди шу кунгача. Йил охиригача ва келаси йилда бу кўрсаткич янада кўтарилиши шубҳасиз.

— Кредитнинг турлари ва шартлари ўзига хос, — дейди банк бўлими бошқарувчиси Актамжон Олтиев. — Ишимизни Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги қарори асосида ташкил этяапмиз. Ҳукуматимизнинг кейинги қарор ва кўрсатмаларида ҳам акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган. Буларни шунинг учун айтяапманки, бошқалар қатори бизнинг банкимиз ҳам мижозлар учун ишончли ҳамкорга айланиб бораяпти.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

36 ФОИЗ АҲОЛИ ҲУКУМАТНИ ЁҚЛАГАН

Япония бош вазири Таро Асо бошчилигидаги ҳукуматнинг аҳоли ўртасидаги мавқеи тушиб кетди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Шу билан бирга мухолифатнинг амалдаги Либерал-демократик партияга нисбатан обрўси анча кўтарилган. «Майнити» газетаси ўтказган сўров натижаларига кўра, тадқиқотда иштирок этган японларнинг 36 фоизи амалдаги вазирлар маҳкамасини қўллаб-қувватлаган, холос. Эслатиб ўтамиз, вазирлар маҳкамаси тузилган вақт — сентябрь ойи охирларида фуқароларнинг 45 фоизи янги ҳукумат тарафдори эди.

ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ САБАБЧИЛАРИ

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу Европа парламентида иттифоқда юз бераётган иқтисодий тангликни бартараф этиш бўйича таклифларини баён этди, деб хабар беради РИА Новости. У Франция президенти Николя Саркози илгари сурган евро қамраб олган ҳудуднинг ягона «иқтисодий ҳокимияти»ни тузиш режасига қарши чиқди. «Биз Европа давлатларидаги иқтисодий сиёсатни бошқариш механизмларини кучайтириш тарафдоримиз. Аммо бу Европа марказий банкига қандай иш тутиш кераклигини ўргатиш керак дегани эмас», — деди Баррозу. Шунингдек, у Европа иттифоқига аъзо баъзи давлатларнинг рейтинг агентликлари фаолиятини чеклаш тўғрисидаги таклифни тўхтатиб қўйганини танқид қилди. Иқтисодчиларнинг фикрича, айнан шу агентликлар айби туфайли глобал иқтисодда танглик юзага келган.

«ЧАНДРАЯН-1»

Ҳиндистон ойга ўзининг илк илмий-тадқиқот космик аппаратини учирди, деб хабар беради utro.ru. Парвоз PSLV-C11 ракета ташувчиси ёрдамида Бангладеш қўрфазида амалга оширилган. Умумий оғирлиги 1304 килограммни ташкил этадиган сунъий йўлдошда Ҳиндистон, Германия, Болгария, АҚШ, Швейцария ва Японияда яратилган турли ускуна қисмлари бор. Қиймати 3,86 млрд. рупий бўлган «Чандраян-1» дастурига биноан парвоз беш кун давом этади. Амалга ошириладиган жами тўқизта тажрибада ой юзасининг харитасини тузиш ва унинг ресурслари ўрганилади.

✓ Шарҳ

«БРИТАНИЯГА ЎЗГАРИШЛАР ЗАРУР!»

Қиролликда бош вазир ўзгармади, аммо вазият...

Буюк Британия бош вазири Гордон Браун мамлакат ҳукумати таркибида жиддий ўзгаришларни амалга оширди. Хусусан, Мудофаа вазири Дес Браун истеъфога чиқарилиб, унинг ўрнини Тижорат, тадбиркорлик ва ислоҳотларни тартибга солиш масалалари бўйича вазирлик раҳбари Жон Хаттон эгаллади. Мамлакат иқтисодиётининг яна бир муҳим тармоғи ҳисобланмиш транспорт тизими раҳбари ҳам янгиланди. Транспорт вазири Рут Келли истеъфо бериб, унинг ўрнини Лейбористлар партияси вакилларидан бири Жефф Хун банд этди.

Питер Мэндельсонни Тижорат, тадбиркорлик ва ислоҳотларни тартибга солиш масалалари бўйича вазир этиб тайинлаши Браунинг кутилмаган қадами, дейиш мумкин. Нимага десангиз, Жаноб Браунинг Мэндельсон билан муносабатлари унчалик яхши бўлмаган. Қолаверса, 2001 йилга қадар Савдо вазири бўлган П. Мэндельсон қатор жанжалли воқеалардан сўнг лавозимини тарк этган эди. Аммо АҚШ ва Европада бошланган иқтисодий инқироз пайтида бош вазир шахсий муносабатдан мамлакатдаги ислоҳотларни устун қўйди. Феъл-атвори анча инжиқ бўлган Г.Браун амалга оширган ўзгаришлар бу билан кифоялангани йўқ. У янги идора — Энергетика ва иқлим ўзгаришларини бартараф этиш вазирлигини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Унинг раҳбари этиб Британия Ташқи ишлар вазири Дэвид Милибэнднинг кичик укаси Эд Милибэнд тайинланди.

Буюк Британия тарихида ҳали бирор бош вазир ўз фаолияти давомида Вазирлар Маҳкамаси таркибини бундай кескин ўзгартирган эмас. Бир вақтнинг ўзида учта вазир алмаштирилди, яна қўшимча тарзда янги вазирлик ташкил этилди. Янги раҳбарларнинг барчаси — амалдаги Лейбористлар партияси аъзоси. Одатда, ижтимоий-сиёсий ва айниқса, иқтисодий ислоҳотларда ҳамкорлик ва ҳамфикрлилик бир ёқадан бош чиқаришга замин яратади. Мабодо соҳада бирор камчилик ёки хатолик кузатилса, уни тузатиш ва тўғри хулоса чиқаришга имкон беради. Машҳур масалчи Криловнинг қисқичбақа, чўртанбалиқ ва лайлак ҳақидаги масалидаги парокандалик рўй бермайди.

2007 йил 27 июни «Британияга ўзгаришлар зарур!» шиори билан ислоҳотга киришган янги бош вазирнинг қарийб бир ярим йилдан буён кадрларни алмаштириш борасидаги сиёсати қийин кечмоқда. Давлат бошқарувидаги барча нуфузли идораларда ўз одамини тайинлаганига қарамай, таълим, ижтимоий соҳа, умуман аҳоли фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ ислоҳотлар натижаси деярли сезилмаяпти.

Буюк Британия қарийб ўн йил олдин ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳот дастури асосида яшаб келмоқда. Қатор нуфузли идораларда ишлаб тобланган Гордон Браун иқтисодиётда ҳали айтарли янгиликларни амалга оширгани йўқ. Оқибатда ўтган бир йил давомида ишлаб чиқариш тармоғида миллионлаб иш жойлари йўқ қилинди.

Иқтисодиётдаги ўсишдан келаётган фойдани тақсимлашда Браун сусткашликка йўл қўймоқда, шунингдек, бюджетда нотўғри сиёсат ҳукм сурмоқда, деган қарашлар мавжуд. Нимагаки, жамиятнинг юқори ва қисман ўрта қатлами ҳаётида турмушнинг яхшиланиши кўзга ташланса-да, Лейбористларнинг асосий аъзолари саналган қуйи қатлам шароитида жиддий ўзгариш сезилмади. Муҳолиф кучлар мамлакатда нафақалар миқдори тушиб кетгани, ёнилғи нархи ошиб кетгани учун Браун ҳукуматини айблашмоқда.

Лейбористлар партиясида 12 ёшидан фаол иштирок этиб келаётган Гордон Браун ҳукумат тепасига келган илк даврда обрўэътибори ҳавас қилгулик эди. Кейинчалик аҳолининг мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга муносабати ўзгарди. Халқ ишончини қозонишдек масъулиятли ва оғир вазифани уддалаш тобора қийинлашиб бормоқда. Буни шу йил ёзда маҳаллий идоралар учун ўтказилган сайловларда мазкур партия муваффақиятсизликка учраганида ҳам кўриш мумкин. Шаҳар ва граф кенгашлари учун ўтказилган сайловларда сайловчиларнинг 44 фоиз овозини йиғишга муваффақ бўлган консерваторлар биринчи, 25 фоиз овоз билан либерал-демократлар иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса, бош вазир Гордон Браун партиясини аҳолининг 24 фоизигина қўллаб-қувватлади, холос. Бу ўтган қирқ йил давомида Лейбористлар партияси учраган дастлабки йирик мағлубиятидир.

Бундай натижа амалдаги ҳукумат фаолиятига жиддий таъсир ўтказиб, лейбористлар ичида айрим келишмовчиликларга сабаб бўлди. Уларнинг ташвишлари бежиз эмас. Гап ҳукмрон партиянинг мавқеига тез суръатда путур етаётгани устида кетаяпти. Баъзи манбаларда Гордоннинг ўрнини АҚШ ва Исроилга қарши қарашлари билан танилган Ташқи ишлар вазири Дэвид Милибэнд эгаллаши мумкин, деган тахминлар ҳам айтила бошланди.

Хуллас, лейбористлар ўтган икки ой давомида партия мавқеини қайта тиклаш чора-тадбирлари ҳақида кўп бош қотиришди. Охир-оқибат Вазирлар Маҳкамасини собиқ бош вазир Тони Блэр тарафдорлари, бошқача айтганда, «блэрчилар» билан кучайтириш керак, деган фикр юзага келди. Лейбористлар мазкур янгиланиш иқтисодий тангликка қарши кураш мақсадида амалга оширилди, деб изоҳлаётган бўлса-да, аслида 2009 йил ўтказиладиган навбатдаги парламент сайлови олдидан партия позициясини яхшилашга қаратилгани аниқ.

Беҳбуд БОТИРОВ,
шарҳловчи

● ***Жеймс Гордон Браун 1951 йил 20 февралда Шотландиянинг Глазго шаҳрида руҳоний оиласида таваллуд топган. Мутахассислиги — иқтисодчи. 1983 йилдан Британия парламенти аъзоси. 1997-2007 йилларда Молия вазири лавозимида ишлаган. Тони Блэр муддатидан олдин истеъфога чиққач, Г.Браун бир овоздан лейбористлар етакчилигига сайланди. Икки нафар фарзанднинг отаси.***

● ***Ҳозир Британия парламенти қуйидагича тақсимланган: парламент ўринларининг 36 фоизи Лейбористлар партиясига, 33 фоизи Консерваторларга ҳамда 23 фоиз ўрин эса Либерал-демократларга тегишлидир.***

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» МЧЖ

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Мошгабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Вниманию организаций и предприятий!

АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ «УЗКУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ»

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ (ТЕНДЕР)
на поставку карьерного оборудования для ОАО «Кызылкумцемент»

ЛОТ 1. Карьерное оборудование Самосвалы БЕЛАЗ - 7547 в количестве 10 штук. Условия поставки СРТ ст. Бинокор	*Заказчик* ОАО «Кызылкумцемент»

Предприятия и организации, выступающие в качестве поставщиков, должны соответствовать следующим требованиям: иметь необходимые профессиональные и технические квалификационные данные, обладать финансовыми средствами и другими материальными возможностями, надежностью, опытом и репутацией, обладать гражданской правоспособностью и правомочиями на заключение договора (контракта).

Поставляемые оборудования должны соответствовать мировым аналогам.

Для участия на торгах и приобретения тендерной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — акционерной компании «Узкурилишматериаллари».

Тендерная документация выдается после уплаты не возвращаемой суммы в размере 600 долларов США.

Источник финансирования за счет собственных средств путем конвертации заказчика ОАО «Кызылкумцемент».

Платежные реквизиты:
АК «Узкурилишматериаллари»
Адрес: г.Ташкент, ул.Миракилова-68а.
Расчетный счет:
20210000200127064001.
SWIFT BIC:
UJSIUZ22, UZPROMSTROYBANK
TASHKENT, UZBEKISTAN
CHIPS UID: 353886
TELEX: 116342TRONUZ.
Валютный счет: 20210840500127064002
МФО 00424,
город Ташкент. ИНН 200625030.

Конкурсные предложения должны быть доставлены организатору торгов по адресу:
г.Ташкент, ул. Миракилова - 68а.
АК «Узкурилишматериаллари».
Тел: 254-48-39, 254-97-29.
Факс: 255-77-07, 255-55-95.
e-mail: uzbuild@ars.uz
www.uzsm.uz.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.

✓ Интернет-мулоқот

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ХОРИЖДА ЎҚИЁТГАН ТЕНГДОШ!

Футбол ўйинларини иложи борича қолдирмай кузатиб боришга ҳаракат қиламан. 2007 йил Осиё Кубоги доирасида Куала-Лумпурда бўлиб ўтган Малайзия – Ўзбекистон терма жамоалари ўратисидаги учрашувда вакилларимиз мезбонлар устидан 5:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бешинчи гол урилгандан сўнг бир ўзбек йигити Ватанимиз байроғини кўтариб стадион бўйлаб югура бошлади. Очиғи, бу тенгдошимнинг ҳаяжонидан кўнглим фахрга тўлди. Ғурури баланд нотаниш юртдошимнинг кимлигини билгим келди.

Интернет орқали Малайзияда ўқиётган талабалар билан танишмоқчи бўлдим. Менга биринчилардан бўлиб шу мамлакатда таҳсил олаётган ва тасодифни қарангки, ўша ўйинда Ўзбекистон байроғини ўзга элда ҳилпиратган Шоҳруҳ Алибековнинг ўзи жавоб берди.

Шоҳруҳ 1989 йилда Самарқандда туғилган. Шаҳардаги 17-ўрта мактабда фақат «аъло» баҳоларга ўқиган. Болалигидан чет тилларни ўрганиш ва спортга қизиқиши кучли бўлган. Ҳозир эса Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган Осиё Тинч океани Технологияси ва Инновацияси (Asia Pasific University College of Technology & Innovation) университетининг ахборот технологиялари бошқарувчиси (Managament of Information Technologies) мутахассислиги бўйича таҳсил олмоқда.

Дўстона суҳбатимиз миллий ғурур, истиқлол берган имкониятлар, ўзликни англаш ҳақидаги мулоқотга айланиб кетди.

— Чет элда ўқишни кўпчилик орзу қилади. Аммо бу бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Нега айнан Малайзияда ўқишни танладингиз?

— Ўқувчилик йилларимдан бери ахборот технологияларига иштиёқим баланд эди. Дастлаб Англияда ўқишни жуда ҳам хоҳладим. Аммо дадам ва устозларим менга Малайзияда ўқишни тавсия қилишди. Мен ҳам уларнинг маслаҳатлари билан интернет орқали ҳозирда ўзим таҳсил олаётган университетга имтиҳон топширдим ва ўқишга қабул қилиндим. Бу ерга келиб адашмаган эканман. Малайзия ривожланаётган мамлакатлар сирасига киради. Муҳими, ахборот технологиясининг тараққиёти бўйича дунёда учинчи ўринда туради.

— Жануби-шарқий Осиёда таълим бериш қай даражада экан?

— Бу мамлакатлар орасида Малайзия ва Сингапур таълим савияси юқорилиги ҳамда жаҳон стандартларига жавоб бериши билан ажралиб туради. Айнан шу иккала давлатнинг таълим тизимида Буюк Британиядан андоза олганликлари ва Қироллик давлатлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганликларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ушбу ҳамкорлик натижасида ўқитиш сифати ва савияси ошиб бормоқда.

— Малайзияда ўзбекистонлик талабалар кўпми?

— Бу ерда юртимиздан 12 нафар талаба таҳсил олади. Имкони борича бир-биримиз билан тез-тез кўришиб туришга ҳаракат қиламиз. Наврўз ва Истиқлол байрамларини бирга нишонлаймиз. Яқинда мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишлаб тадбир ташкил қилдик. Унда Ўзбекистоннинг Малайзиядаги эчихонасидан вакиллар қатнашди. Малайзияда Қозоғистон, Эрон, Хитой, Нигерия, Камерун, Саудия Арабистони ва Осиёнинг бир қатор давлатларидан келган талабалар ҳам ўқишади. Улар билан ҳам дўстлашиб кетганмиз. Аксарияти Ватанимиз ўтмиши ва бугунига қизиқишади. Айниқса, маҳаллий аҳоли, яъни малайлар Самарқанд, Бухоро ва буюк аллома Имом Бухорий ҳақида кўплаб маълумот олишни хоҳлашади. Шундай кезларда Ўзбекистонда туғилиб ўсганлигим билан фахрланаман.

— Ёзги таътили қаерда ўтказдингиз?

— Бизда ёзги таътил деярли йўқ. Чунки бу ерда йил бўйи ёз бўлади. Қолаверса, университетимиз хусусийлиги боис қайси пайтда ўқиш, қай пайтда дам олишни ўзимиз ҳал қиламиз.

— Ўқишдан бўш вақтларингизда нималар билан шуғулланасиз?

— Ўқувчилик йилларида спортнинг таэквондо тури билан мунтазам шуғулланар эдим. Бир марта республика биринчилигида ғолиб чиққанман, Осиё биринчилигида эса учинчи ўринни олганман. Бу ерда вақт тиғизлиги сабабли асосан югуриш ва сузиш билан шуғулланаяпман. Фурсат топсам, албатта таэквоондо ва муай-тай залига кириб тураман. Ва яна имкон қадар интернет орқали яқинларим билан мулоқот қиламан ҳамда юртимизда бўлаётган янгилик-хабарларни кузатаман.

— Келажакдаги мақсад-орзуларингиз?

— Энг асосийси, биз истиқлол туфайли жаҳондаги энг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олиш бахтига муяссар бўлдик. Айниқса, Президентимизнинг ташаббуслари билан бу йил Ўзбекистонда Ёшлар йили деб эълон қилинганлигини эшитганда университетдаги барча талабаларнинг бизга ҳаваси келди. Биз ҳам, албатта, ўз зиммамиздаги масъулиятни тушунамиз. Насиб қилса, ўқишни тугатганимдан сўнг Ўзбекистонга қайтиб, ўз халқим фаровонлиги йўлида хизмат қиламан.

Суҳбатдош: Темур АЪЗАМ,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

✓ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

«TASHKENTALE – 2008»

Ёшларни она-Ватанга муҳаббат, миллий анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашда маданият ва санъатнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис миллий санъатимизнинг барча йўналишларини ривожлантириш, соҳадаги ютуқларни кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент Фотосуратлар уйида пойтахтимизнинг юбилей санаси олдидан «TashkentALE – 2008» халқаро фотокўргазмаси очилди. Унда юртимиз фотоижодкорлари билан бир қаторда, Германия, Италия, Буюк Британия, Россия, Япония, Канада, Хитой, Покистон, Исроил, Вьетнам каби йигирмадан ортиқ давлатдан келган вакиллар ўз асарлари билан қатнашмоқда.

Ушбу тадбирда фотоижодкорларнинг 400 дан ортиқ ижодий ишлари намойиш этилмоқда. Тошкент халқаро фотобиенналлеси бир ҳафта мобайнида Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги галереяларда фотокўргазмалар, «Шарқ ва Ғарб. Тошкент чорраҳасида» мавзуидаги иккинчи халқаро долзарб фото ва видео санъати фестивали, ижодий анжуманлар, мулоқотлар, концертлар, давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари уйғунлашган ҳолда давом эттирилади.

Кўтаринки руҳда бошланган халқаро фотобиенналле соҳада эришилаётган ютуқларни намойиш этиш ва бу борадаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(Ўз мухбиримиз.)

Суратда: *кўргазмадан лавҳа.*

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

✓ Таҳририятга хат

МИННАТДОРМИЗ

Биз, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг тиббий санитария қисми — Илёс Эргашев номли 4-шаҳар клиникаси пенсионерлари ва меҳнат фахрийлари «Ўзбекистон овози» газетаси орқали камтарин инсон, эътиборли раҳбар — клиника бошлиғи, ЎзХДП аъзоси Ҳусниддин Насриддиновга ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз.

У киши тиббий санитария қисми пенсионерларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганига гувоҳмиз. Айниқса, турли байрамларда бизларни бир пиёла чойга таклиф қилиб, ҳар биримизга совға-саломлар улашади. Баҳоли-қудрат моддий ёрдам ажратган кезларда кўнглимиз тоғдек кўтарилиб, ҳукуматимизнинг кексаларга кўрсатаётган меҳр- мурувватидан бошимиз осмонга етади.

Яна бир эътиборли жиҳати, Ҳусниддин Насриддинов ҳаммани бир кўзда кўради. Яқинда клиниканинг жарроҳлик бўлимида узоқ йиллар ҳамшира бўлиб ишлаган меҳнат фахрийси Мария Панасенко навбатдаги учрашувимизга қатнаша олмай қолганида, у бу фидойи ҳамкасбимизни йўқлаб, тўғри уйига совға-салом билан кириб борди. Бу — Мария Петровна учун ҳам, биз учун ҳам катта маънавий мадад бўлди.

Фахрийлар номидан:

Акбар МУҲИТДИНОВ,
Роза АСҚАРОВА, Серафима ХАЙЛЕНКО,
Нина ЭШМАТОВА,
Клара МУҲАММАДҚУЛОВА
ва яна 37 имзо.

✓ Футбол

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАМКАСБЛАРГА ҲАВАСИМИЗ КЕЛДИ,

— дейишмоқда хорижлик журналистлар

Тошкентдаги «Чиғатой» футбол марказида журналистлар ўртасида мини футбол бўйича яйпанлик футбол фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари соврини учун ўтказилаётган анъанавий турнир қизғин паллага кирди. Муросасиз ва шиддатли кечаётган баҳсларда нафақат ёшлар, балки ёши етмишдан ошган, кўплаб ҳамкасбларимизнинг устози саналган Сайди Умиров, шунингдек, Республика Олий Мажлиси Спикери ўринбосари Хуршид Дўстмуҳаммад, «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги директори Саъдулла Ҳаким каби таниқли журналистлар яшил майдонда шогирдлари билан тенгма-тенг тўп сураётганликлари айниқса қувонарлидир.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижлик журналистлар «Барака» номи остида турнирда илк маротаба майдонга тушмоқда.

— Ушбу мусобақани ўзбекистонлик журналистларнинг чинакам футбол байрами деб атаган бўлардим, — дейди мусобақа қатнашчиси, туркиялик ҳамкасбимиз Атиф Аъло. — Шу боис бизнинг ўзбекистонлик ҳамкасбларимизга ҳавасимиз келади. Бу турнир биз чет эллик журналистларга футбол баҳона улар билан яқиндан танишиш ҳамда дўстлашиш имкониятини берганлигидан беҳад хурсандман. Қолаверса, бундай мусобақалар аввало ҳамкасбларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиши, кучига куч қўшиши билан аҳамиятлидир.

Тўрт гурухда ўтказилаётган турнир баҳсларининг охирги турлари ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда. «В» гуруҳида «Ўзбекистон овози» номи остида майдонга чиқаётган таҳририятимиз ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарининг бирлашган жамоаси учинчи турда «Маърифат» футболчиларига қарши майдонга чиқди. Ўтган йилги мусобақанинг чорак финалида айнан шу жамоалар ўзаро рўбарў келишган ва унда маърифатчилар 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финалга йўлланма олганди. Бу гал ўтган йилги хатолардан тўғри хулоса чиқарган жамоамиз рақибларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади — 5:0. Гуруҳнинг ушбу турдаги иккинчи ўйинида «Тошкент» ТВ вакиллари «XXI аср» жамоасига имкониятни бой берди — 2:3.

Жамоамиз тўртинчи турда «Туркистон» газетаси футболчилари билан куч синашиб, мусобақадаги энг йирик ҳисобни қайд этишди — 10:0. Ушбу учрашувда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси мухбири Жамшид Матёқубов рақиблари дарвозасига олтита (!) тўп йўллашга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, жамоамиз турнирда биринчи бўлиб, чорак финал йўлланмасини амалда нақд қилдилар. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда «Тошкент» ТВ жамоаси маърифатчилардан 3:1 ҳисобида устун келишди.

Бугун ўтказиладиган «Тошкент» ТВ — «Туркистон», «XXI аср» — «Маърифат» жамоалари учрашувлари билан гуруҳ баҳслари ниҳоясига етади.

Қолган гуруҳларнинг учинчи ва тўртинчи тур баҳслари қуйидагича якунланди: **«А» гуруҳи.** «Чемпион» — МТРК — 2:4, «Барака» — БСРЖ — 3:7, МТРК — «Барака» — 3:3, ЎзДЖТУ — «Чемпион» — 3:3. **«С» гуруҳи.** «Ватанпарвар» — «Ўзбекистон футболи» — 2:4, «Жамият» — «Халқ сўзи» — 4:5, «Ўзбекистон футболи» — «Жамият» — 2:1, «Туркистон-пресс» — «Ватанпарвар» — 1:6. **«Д» гуруҳи.** «Хонадон» — «Машъал-Спорт» — 3:2, «Ҳуқуқ» — «Sport» ТВ — 1:8, «Машъал-Спорт» — «Ҳуқуқ» — 2:2, «Янги аср авлоди» — «Хонадон» — 2:4.

Жамоамиздан ташқари, «С» гуруҳида барча уч ўйинда ғалаба қозонган «Ўзбекистон футболи» аъзолари ҳам муддатидан илгари чорак финал йўлланмасини қўлга киритишган. Қолган олтита чорак финалчи номи бугун маълум бўлади.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: *мусобақадан лавҳа.*

✓ Тарбия масканлари

ОЛТИАРИҚДА ШУНДАЙ БОҒЧА БОР

Кўп яхши гаплар билан таърифланган Олтиариқдаги 1-болалар боғчасидаман. Болаларнинг шодон овозлари янграйди, озодалик, файзу барака остонадаёқ билинади. Мевали, манзарали дарахтлар, узум ишкомлари қўйнида учта икки қаватли шинам бино, қатор-қатор айвонлар. Хоналарга тўшалган гиламлар, наматлар, жажжи столстулчалар, юмшоқ ўринли кроватлар, жавонларга ҳисобсиз ўйинчоқлар терилган, ширинсўз тарбиячилар болажонларга парвона...

Ўн олти йилдан бери мудира бўлиб ишлаб, Олтиариқ тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги бу боғчанинг обрў-эътиборини кўтарган, ташкилотчи аёл, халқ таълими аълочиси, «Тўмарис» аёллар спорт фестивали ғолиби Сурмахон Тожиева билан суҳбатлашаман.

— Энг муҳими, боғчамиз туман марказида жойлашган, — дейди боғча мудири Сурмахон. — 280 нафар ўғил-қизим бор. Ҳокимият, халқ таълими бўлими ва ҳомийларимиз бизнинг суянч тоғларимиз. Ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ. Биз ҳар бир болага ўз ота-онасидек қараймиз. Соғлиғини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берамиз. Уларни билим олишга, ҳунар, тил ўрганишга қизиқишларини ривожлантириб борамиз. Болаларни миллий ва умумиинсоний қадриятлар билан таништириб, мактабга тайёрлаймиз.

— Ана шунинг учун ҳам болаларингизнинг кўпчилиги иқтидорли болалар мактабига қабул қилинаркан-да.

— Ҳа, тарбиячиларни ҳам танлаб, имтиҳон қилиб, малакаси, маълумотига қараб ишга олганмиз. Улар, аввало, болажон. Ҳаммаси ўз касбининг усталари. Кўпчилиги «Бола қалби заргари», «Энг яхши тарбиячи», «Энг ширинсўз тарбиячи» кўрик-танловларида, спорт мусобақаларида ғолиб бўлишган.

Бу боғчада бадиий гимнастика, рақс, ашула, мусиқа, шоҳмот-шашка, қўл меҳнати каби 12 та тўгарақда машғулотлар олиб борилар экан. Болалар гулларни, қушларни парваришлашади ва гуллар, қушлар байрамида иштирок этиб, совғалару мақтовларга сазовор бўлишган.

Кўз нурию қалб қўрини бериб, яхши фазилатларни болаларга сингдириб келаётган боғча жамоасига яна юзлаб, минглаб фарзандларимизга тарбия бериш насиб этсин. Бу боғчадан болаларнинг кулгиси аримасин.

Санъат МАҲМУДОВА.

Суратда: *С.Тожиева боғча тарбияланувчилари билан.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилоят бошқармаси

бошқарма ҳудудида қурилган икки қаватли ёрдамчи маъмурий бино учун мебель жиҳозларини харид қилиш мақсадида **ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Мебеллар сони ва ҳажми бўйича маълумотларни бошқарма қурилиш гуруҳидан **(365) 225-71-11, 225-67-62** телефонлари орқали олиш мумкин.

ҲУШЁР БЎЛИНГ, АЗИЗ ОДАМЛАР !

МАЛАКАЛИ КАСБ ЭГАСИ БЎЛМАСДАН, ЧЕТ ЭЛДА КЎП ПУЛ ТОПАМАН ДЕГАН ХОМ ХАЁЛГА БОРМА !

Мурожаат учун телефонлар: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлари вазирлиги (371)233-22-33

Мурожаат учун телефонлар: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (371)239-43-88

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯСИ

(Ғазетанинг навбатдаги сони 28 октябрь, сешанба куни чиқади).

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлигининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2007 йил 3 июлда №003130-11 рақам билан рўйхатдан ўтган «AGZAM UNIBERSAL SERVIS» МЧЖ (ИНН 300501468, ОКОНХ 13141)

ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чоп этилгандан бошлаб икки ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Яккасарой тумани, С.Ражабов кўчаси, 30-уй.

Телефон: 410-93-45.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949

8129 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 22.00
1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda